



Научно-практический электронный журнал

# **МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА**

ISSN 2658-7998



9 772658 799001 >

**Выпуск №68 (том 2)  
(январь, 2025)**



Международный научно-практический  
электронный журнал «МОЯ  
ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

Сайт: [mpcareer.ru](http://mpcareer.ru)

ISSN 2658-7998

УДК 001

ББК 94

**Международный научно-практический электронный журнал «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА». Выпуск №68 (том 2) (январь, 2025).  
Дата выхода в свет: 31.01.2025.**

Сборник содержит научные статьи отечественных и зарубежных авторов по экономическим, техническим, философским, юридическим и другим наукам.

Информация об опубликованных статьях предоставляется в систему Российского индекса научного цитирования (РИНЦ) и размещена на платформе научной электронной библиотеки (eLIBRARY.RU). Лицензионный договор № 284-07/2019 от 30 июля 2019 г.

Миссия научно-практического электронного журнала «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА» состоит в поддержке интереса читателей к оригинальным исследованиям и инновационным подходам в различных тематических направлениях, которые способствуют распространению лучшей отечественной и зарубежной практики в интернет пространстве.

Целевая аудитория журнала охватывает представителей экспертного сообщества, докторов, преподавателей, научных сотрудников, бакалавров, магистрантов, аспирантов и иных лиц, интересующихся вопросами, освещаемыми в журнале.

Материалы публикуются в авторской редакции. За соблюдение законов об интеллектуальной собственности и за содержание статей ответственность несут авторы статей. Мнение редакции может не совпадать с мнением авторов статей. При использовании и заимствовании материалов ссылка на издание обязательна.

© ООО «МОЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ КАРЬЕРА»

© Коллектив авторов



## РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Пестерев С.В. – гл. редактор, отв. за выпуск

---

Батурин Сергей Петрович	кандидат исторических наук, доцент
Боброва Людмила Владимировна	кандидат технических наук, доцент
Богданова Татьяна Владимировна	кандидат филологических наук, доцент
Данилова Анна Александровна	кандидат исторических наук, доцент
Демьянова Людмила Михайловна	кандидат медицинских наук, доцент
Дуянова Ольга Петровна	кандидат медицинских наук, доцент
Еремеева Людмила Эмировна	кандидат технических наук, доцент
Засядько Константин Иванович	доктор медицинских наук, профессор
Колесников Олег Михайлович	кандидат физико-математических наук, доцент
Копеин Валерий Валентинович	доктор экономических наук, профессор
Коробейникова Екатерина Викторовна	кандидат экономических наук, доцент
Кудряшова Ирина Анатольевна	доктор экономических наук, профессор
Ланцева Татьяна Георгиевна	кандидат экономических наук, доцент
Нобель Артем Робертович	кандидат юридических наук, доцент
Ноздрина Наталья Александровна	кандидат педагогических наук, доцент
Павлов Евгений Владимирович	кандидат исторических наук, доцент
Петрова Юлия Валентиновна	кандидат биологических наук, доцент
Попов Сергей Викторович	доктор юридических наук, профессор
Сидунова Галина Ивановна	доктор экономических наук, профессор
Табашникова Ольга Львовна	кандидат экономических наук, доцент
Таспанова Жыгагул Кенжебаевна	доктор философии по педагогическим наукам
Тюрин Александр Николаевич	кандидат географических наук, доцент
Усубалиева Айнура Абдыжапаровна	кандидат социологических наук, доцент
Фаттахова Ольга Михайловна	кандидат технических наук, доцент
Филимонова Елена Анатольевна	кандидат экономических наук, доцент
Филимонюк Людмила Андреевна	доктор педагогических наук, профессор
Фролова Тамара Валериевна	кандидат экономических наук, доцент
Холин Александр Николаевич	кандидат технических наук, доцент
Юрин Владимир Михайлович	кандидат юридических наук, доцент



## СОДЕРЖАНИЕ

Название научной статьи, ФИО авторов	Номер страницы
<b>ПРОБЛЕМЫ И ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ НАУКИ</b>	
LET'S PROTECT OUR GREEN WORLD Mehdiyeva M.B.	7
WORK ON THE TEXT IN CLASSES I-IV Mehdiyeva M.B.	12
КРИМИНОЛОГИЧЕСКАЯ ХАРАКТЕРИСТИКА НАРКОПРЕСТУПНОСТИ И ЕЕ ТЕНДЕНЦИИ Дерягина А.А.	17
ОСНОВНЫЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ЭТИЧЕСКИЕ ПРИНЦИПЫ ПСИХОДИАГНОСТИКИ И ПРОБЛЕМЫ ПРИ ИХ СОБЛЮДЕНИИ Караванов А.А., Филоненко Л.В., Рожков А.В.	26
КОЛЛИЗИОННО-ПРАВОВЫЕ ВОПРОСЫ ПРАВООТНОШЕНИЙ МЕЖДУ СУПРУГАМИ, МЕЖДУ РОДИТЕЛЯМИ И ДЕТЬМИ Дерягина А.А., Дмитриева В.С.	36
АНАЛИЗ РАЗВИТИЯ И СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НОРМАТИВНЫХ ДОКУМЕНТОВ В РФ ПО ОТДЕЛЬНЫМ ОТРАСЛЯМ Петрова В.А., Майлыбаева С.В., Тарасова О.Г.	46
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЗЕМЕЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ИЗЪЯТИЯ ЗЕМЕЛЬНЫХ УЧАСТКОВ ДЛЯ ГОСУДАРСТВЕННЫХ И МУНИЦИПАЛЬНЫХ НУЖД Гладких У.А.	53
MATEMATIKADAN OLIMPIADA MASALALARINI YECHISHDA MATEMATIK ANALIZ METODLARIDAN FOYDALANISH X.R.Umarov, D.D.Abduraximova	62
НАТУРАЛ СОНЛАР ҚАТОРИ ДАРАЖАЛАРИ ЙИГИНДИСИНИ ТОПИШНИНГ БИР УСУЛИ Умаров Х.Р., Аскарбекова Д.Ж.	74
YIG'INDI VA KO'RAYTMALARNI HISOBLASHDA KOMPLEKS ANALIZ METODLARIDAN FOYDALANISH Umarov X.R., Erkinov Sh.B.	84
BAZALT MAHSULOTLARI ISHLAB CHIQRISHDA SIFAT MENEJMENT TIZIMLARINI JORIY ETISHNI MUHIMLIGI Mamajonov A.A., Maxmudov A.O.	104
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЗЕМЕЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЗЕМЕЛЬ НАЦИОНАЛЬНЫХ ПАРКОВ Коротаева С.К.	118
АНАЛИЗ СООТВЕТСТВИЯ ОБОЗНАЧЕНИЯ ТЕХНИЧЕСКИХ УСЛОВИЙ ТРЕБОВАНИЯМ НОРМАТИВНЫХ ДОКУМЕНТОВ Петрова В.А., Майлыбаева С.В., Тарасова О.Г.	127
ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ ЗЕМЕЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ И ПРАКТИЧЕСКОЕ ЗНАЧЕНИЕ ОГРАНИЧЕНИЯ ОБОРОТОСПОСОБНОСТИ ЗЕМЕЛЬНЫХ УЧАСТКОВ Смирнова К.В.	137



## ЭКОНОМИКА И УПРАВЛЕНИЕ В СОВРЕМЕННОМ НАУЧНОМ МЫШЛЕНИИ

ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИ Oltaev Sh.S.	256
СИФАТ МЕНЕЖМЕНТИ ИМКОНИАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИДАГИ ЎРНИ Oltaev Sh.S.	264
ХУСУСИЙ КОРХОНАЛАР ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТИНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ Oltaev Sh.S.	270
МАМЛАКАТИМИЗДА ТУРИЗМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Oltaev Sh.S.	279
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ТАЪЛИМ ХИЗМАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Oltaev Sh.S.	287
РОЛЬ ТНК В ЭКОНОМИЧЕСКОМ РАЗВИТИИ РАЗВИВАЮЩИХСЯ СТРАН Неъматуллаева С.	293
ОБЕСПЕЧЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ СТРАН В УСЛОВИЯХ ГЛОБАЛЬНЫХ РИСКОВ Абдурашидова Х.Б.	303
КАДРОВАЯ ПОТРЕБНОСТЬ НОВОСИБИРСКОЙ ОБЛАСТИ В СПЕЦИАЛИСТАХ РАБОЧИХ ПРОФЕССИЙ АГРАРНОГО СЕКТОРА Нарежнев А.Е.	312
РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСПОРТ ХИЗМАТЛАРИ ИНФРАТУЗИЛМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Oltaev Sh.S.	315
ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ЎЗГАРИШ ДИНАМИКАСИ ТАҲЛИЛИ Oltaev Sh.S.	324
КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДАГИ ЎРНИ Oltaev Sh.S.	330
ИННОВАЦИОН ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА ИНВЕСТИЦИОН ЖОЗИБАДОРЛИКНИ ОШИРИШ ИМКОНИАТЛАРИ Oltaev Sh.S.	339
ЎЗБЕКИСТОНДА КАМБАҒАЛЛИК ВА УНИ ҚИСҚАРТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ЙЎЛЛАРИ Oltaev Sh.S.	345
<b>РОЛЬ ТЕХНИЧЕСКИХ НАУК В 21 ВЕКЕ</b>	
СОЗДАНИЕ ОНЛАЙН КУРСА «ОЛИМПИАДНАЯ МАТЕМАТИКА» ДЛЯ ОБУЧАЮЩИХСЯ 6 – 7 КЛАССОВ НА ПЛАТФОРМЕ STERIK Фалеева А.Е.	351



*Oltaev Sh.S.*

SamISI Associate Professor, Ph.D.

## КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ КАМБАҒАЛЛИКНИ ҚИСҚАРТИРИШДАГИ ЎРНИ

**Аннотация:** ушбу мақолада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг камбағалликни қисқартиришдаги ўрни таҳлил қилинган. Шунингдек юртимизда бугунги кунда олиб борилаётган иқтисодий ривожлантириш ва модернизациялаш, камбағалликни қисқартиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ўрни мавзуларда бир қатор фикр ва мулоҳазалар айтиб ўтилган.

**Калит сўзлар:** кичик бизнес, камбағаллик, камбағалликни қисқартириш, ишсизлик, «Маҳаллабай», «Темир дафтар», «Меҳр дафтари», «Аёллар дафтари», хусусий тадбиркорлик, иқтисодий фаол аҳоли, иқтисодий нофаол аҳоли.

Бизга маълумки бугунги кунда инсониятни узок мозийнинг энг қадимги даврлардан буён муттасил ўйлантриб, қийнаб келган масалалардан бири камбағаллик билан боғлиқ муаммолардир. Юнон мутафаккири Арестотел: «Камбағаллик ёки шунга ўхшаш бошқа азобларга чидай олмай ўз жонига суиқасд қилиш - ожизлик қийинчиликлардан қочишдир» деб ёзган эди. Мамлакатимизда ишсизлик даражаси айниқса пандемия чоғида кескин ошиб кетди. Бу нафақат бизнинг мамлакатимизда балки бутун жаҳон миқёсида жиддий тус олган.

Бугунги кунда мамлакатимизда камбағалликни қисқартиришда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда аксарят аҳоли ишсиз ҳисобланади. Самарқанд вилоятида 16 минг камбағал оила бор бўлиб бугунги кунда улар билан тизимли ишлар олиб борилмоқда. Жумладан Самарқанд вилояти аҳолисини касб-ҳунарга ўқитиш учун 10 миллиард сўм ажратилди. Даромад топишга қаратилган тадбиркорлик



интилишларни молиявий қўллаб-қувватлаш, ҳудудларда «Маҳаллабай» ишлаш тизимини жорий этиш орқали аҳолининг даромадли меҳнат билан бандлигини таъминлаш механизмларини янги босқичга олиб чиқиш, ёшлар ва хотин-қизларнинг тадбиркорлик ташаббусларини амалга оширишга молиявий қўмаклашишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Маҳаллабай» ишлаш тизимида қуйидаги устувор йўналишларга эътибор қаратилади. Бунда оилаларнинг даромад манбаларини, шу жумладан, томорқа ерлардан фойдаланиш ҳамда даромадли меҳнатга бўлган интилиши ва эҳтиёжларини «хонадонбай» ўрганиш, банд бўлмаган аҳолининг, айниқса, ишсиз ёшлар ва хотин-қизларнинг муаммоларини ўрганиш орқали уларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўргатувчи курсларга йўналтириш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланишга амалий қўмаклашиш, ёшларнинг тадбиркорлик ташаббуслари ва стартап ғояларини янада қўллаб-қувватлашга қаратилган кредитлар ажратиш режалаштирилган.

Ўзбекистонда давлат фуқароларини ишсизликдан ҳимоя қилиш камбағалликни қисқартириш чоралари қаторида маҳаллалар кесимида ижтимоий ҳимояга муҳтожлар рўйхати («Темир дафтар», «Аёллар дафтари», «Ёшлар дафтари» ва «Меҳр дафтари») орқали маҳаллаларда иш юритиш йўлга қўйилган.

Бугунги кунда «Темир дафтар» да турадиган фуқаролар учун изчил ишлар амалга оширилмоқда. Бу фуқароларга давлат тамонидан қишлоқ хўжалигида керакли бўлган ускуналар, пайвандлаш ускуналари, «Аёллар дафтарида» турадиган хотин қизларга тикув машиналари берилиб уларга давлат тамонидан кўплаб буюртмалар берилиб ишсизлик даражасини камайтириш аҳоли даромадини ошириш ва ишсиз аҳолини иш билан банд қилиш мақсадида кичик оилавий тикув цехлари ташкил қилинмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан мамлакатимизда тадбиркорларга кенг имкониятлар очилган. Шунини таъкидлаш лозимки бугунги кундаги янги Конституция лойҳасида ҳам 65-66-67-68-моддаларида тадбиркорлар учун жуда катта ўзгартиришлар киритилганини айтиш ўринлидир. Алоҳида таъкидлаш лозимки Янги Ўзбекистон



модернизациялашган иқтисодиётга таянади. Бундай иқтисодиётни шакллантириш учун ундаги давлат иштирокини камайтириш, хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва унинг ролини кучайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожини рағбатлантиришга қаратилган институционал ва таркибий ислоҳатларни давом эттириш зарурдир.

Ўзбекистон Республикасида жумладан Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев Самарқанд вилоятида 450 мингта иш ўрнини яратиш орқали камбағалликни 2 баробарга қисқартириш - энг устувор вазифа эканлигини таъкидлаб ўтди. Келгуси беш йилда ялпи ҳудудий маҳсулотни 1,4 бараварга ошириб, 90 триллион сўмга етказишимиз зарур. Бунинг учун, тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолини касб-хунарга ўқитиш орқали 130 мингта иш ўринлари яратилади. Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида вилоятга ҳар йили қарийб 1 триллион сўм имтиёзли кредит ажратилади. Хусусан, 2023-йилда яна 1 млн аҳолини камбағалликдан чиқариш вазифаси қўйилди. Тадбиркорлар фаолиятини кенгайтириш учун кредит миқдори оширилади.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳатларнинг ҳозирги босқичи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш унга кенг иқтисодий эркинлик бериш билан тавсифланади. Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев тамонидан кичик бизнес хусусий тадбиркорлик соҳасини жадал ривожлантириш бўйича кўпгина ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Кичик бизнес мамлакат иқтисодиёти учун аҳамиятли бўлиб, унинг ташқи муҳидга тез мослашиши, ўзгарувчан муҳитга чидамли ва ўз йўлини тезда топадиган, жуда катта маблағ талаб қилмайдиган қатор афзалликларга эга бўлган фаолият ҳисобланади. Президент Шавкат Мирзиёев раислигида ҳудудларда камбағалликни қисқартириш ва бандликни таъминлаш борасида 2022-йилда амалга ошириладиган дастурлар ва ҳоким ёрдамчилари фаолиятини самарали ташкил этиш чора тадбирлари юзасидан видеоселектор йиғлиши бўлиб ўтди. Бу ҳақида Президент матбуот котиби Шерзод Асадов қуйдагиларни маълум қилди. Келгуси йилда камбағаллик ва ишсизликни қисқартириш борасида кўриладиган қатор чора-тадбирлар тўғрисида маълум қилинди:



биринчидан, оилавий тадбиркорлик дастурлари, ишсиз аҳоли ва ёшларни касб-хунар ва тадбиркорликка ўқитиш, хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳаларни амалга ошириш учун 13 триллион сўм берилади;


иккинчидан, пахта ва ғалладан бўшайдиган 200 минг гектар майдоннинг 80 минг гектари аҳолига берилади;

учинчидан, мева-сабзавот лойиҳаларига 100 миллион доллар ва мева-сабзавот кластерларига 2 триллион сўм ресурс йўналтирилади;

тўртинчидан, аҳоли бандлигини таъминлашда 500 минг гектардан зиёд томорқалардан самарали фойдаланиш учун келгуси йилда 100 миллион доллар йўналтирилади;


бешинчидан, аҳоли томорқасида деҳқончиликни йўлга қўйиш учун банклар томонидан 7 фоиз ставкада имтиёзли кредитлар берилади.

Кичик бизнес ривожланишининг иқтисодий аҳамиятларидан бири бу мамлакат ялпи ички маҳсулотини таркиб ва миқдор жиҳатдан кўпайишини таъминлашдан иборатдир. Кейинги йилларда кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватланиши натижасида кичик бизнеснинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотдаги улуши ўсиб, 2021 йилда 54,9 фоизни ташкил этди. Кичик бизнеснинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотдаги улушининг 2010-2021 йиллардаги ҳолати (1-расм)да келтирилган.



1-расм. Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулотида 2000-2018 йилларда кичик бизнеснинг улуши, %

Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнесни ўрни сезиларли даражада эканини кўришимиз мумкин бўлади. Кичик бизнесни ривожлантириш борасидаги ишлар ўз самарасини бермоқда. Шунини таъкидлаш жоизки кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида ички бозорни маҳаллий товар ва хизматлар билан тўлдираётган ва мамлакат экспорти салоҳиятини ошираётганини яққол кўришимиз мумкин бўлади. Кичик бизнеснинг ташқи иқтисодий фаолиятдаги ўрни ҳам аста-секин кенгайиб бормоқда. Унинг экспорт ҳажмидаги улуши 2021 йилда 22,3 фоизни ташкил этиб, бу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 8,6 фоизга ошган.



2-расм. Кичик бизнеснинг 2010-2021 йилларда мамлакат экспортидаги улуши

Хулоса қилиб айтганда биз юқоридаги маълумотларга асосланган ҳолда шуни айта оламизки, бугунги кунда мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар жадал ривожланмоқда. Шу билан бир қаторда жойларда бу ишлар тизимли амалга оширилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик иқтисодиётни ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишда муҳим омилдир. Ушбу соҳа вакиллари ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш мақсадида охириги икки ярим йилда Президентнинг эликдан ортик фармон ва қарорлари қабул қилинди. Барча ҳудудларда тадбиркорлар мурожаатларини қабул қилиб, ҳал этишга кўмаклашадиган Бош вазир қабулхоналари ташкил этилди. Президентимиз Ёшлар форумида тижорат банкларига ёшларни лойҳаларини молиялаштириш учун 100 миллион доллар ва микрокредит банк тамонидан 40 миллиард сўм миқдорида кредит ва субсидия учун маблағлар ажратиш тўғрида сўз юритган эди. Шуни айтиш жоизки мамлакатимизда камбағалликни қисқартириш ва кичик бизнесни ривожлантириш борасида қатор таклифларни берамиз:

биринчидан камбағалликни қисқартиришда ривожланган давлатлар тажрибасидан фойдаланган ҳолда мамлакатимиз иқтисодий ҳолатидан келиб чиққан ҳолда уларни ҳудудлар кесимида тизимли равишда жорий қилиш;



иккинчидан кичик бизнесни туманлар четки қисмларида ҳам изчил равишда жорий қилиш;

учинчидан камбағалликни қисқартиришда маҳаллабай ишларни самарали олиб борилиши устидан назоратни изчил йўлга қўйиш;

тўртинчидан кичик бизнес соҳасида туман четки жойларида етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини экспорт даражасига етказиш;

бешинчидан камбағалликни қисқартириш борасида кичик бизнесга ажратиладиган кредит фоизларини минималлаштириш.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. LEX.uz
2. prezident.uz
3. ПҚ 4653-сон 26.03.2020
4. Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси» «Ўзбекистон» Тошкент 2022
5. «Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитаси маълумотлари»
6. А.В.Кешелава и др. Введение в «Цифровую» экономику» / А.В. Кешелава, В.Г. Буданов, В.Ю. Румянцев [и др.]; под общ. ред. А.В. Кешелава; гл. «цифр.» конс. И.А. Зимненко. ВНИИ Геосистем, 2017. 28с.
7. Oltayev Sh.S. (2021). Challenges and solutions in constructing a community section and investing in family entrepreneurs (On the example of Navobod NCM of Samarkand district) American Journal of Research [www.journalofresearch.us](http://www.journalofresearch.us) 9-10, September-October 2021 [info@journalofresearch.us](mailto:info@journalofresearch.us) USA, Michigan 34. 34-37 б. <https://zenodo.org/record/5514016#.YbzC3mhBzIU>
8. Oltayev Sh.S. (2021). Innovative Education Is An Important Factor To Increase The Efficiency Of Economic Education The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research (ISSN–2642-7478) Published: November 13, Pages: 9-13 Doi: <https://doi.org/10.37547/tajir/Volume03Issue11-02>



9. Oltayev Sh.S. (2021). Wide Opportunities for Innovative Development of Small Business And Private Entrepreneurship in our Country. Academic Journal of Digital Economics and Stability Volume 10, ISSN 2697-2212 Online: <https://academicjournal.io> 7-13.  
<https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/334>
10. Oltayev Sh.S. (2022). Improving Ways of Attracting Foreign Investments to the National Economy and Using Them. International Journal Miasto Przyszłości, 92–95. <https://miastoprzyszlosci.com.pl/index.php/mp/article/view/503> Vol. 27. Kielce Retrieved from
11. Oltayev Sh.S. (2022). Issues of attracting foreign investments to the regions of Uzbekistan: problems and solutions. International journal of social science & interdisciplinary research Issn: 2277-3630 Impact Factor: 7.429, 11(08), <https://www.gejournal.net/index.php/IJSSIR/article/view/923> 96–100. Retrieved from
12. Oltayev Sh.S. (2024). Innovative ways to diversify and improve the quality of tourist services in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 109-118.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10880030>
13. Oltayev Sh.S. (2024). Innovative ways to eliminate the migration problem in Uzbekistan. International Journal of Advanced Research in Education, Technology and Management. 3(3), 123-130. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10880419>
14. Oltayev Sh.S. (2024). Issues of attracting foreign investments to the special economic zones of the country. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 31–36. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10899983>
15. Oltayev Sh.S. (2024). Purposeful formation of the high quality of providing economic growth in the country. Web of Teachers: Inderscience Research, 2(3), 273–280. Retrieved from  
<https://webofjournals.com/index.php/1/article/view/1047>
16. Oltayev Sh.S. (2024). The need to form the state investment strategy. Innovative Development in Educational Activities, 3(6), 25–30.  
<https://doi.org/10.5281/zenodo.10899979>



17. Oltayev Sh.S. (2024). The role of the economic sector in society. Eurasian Scientific Herald, 30, 55–58. Retrieved from <https://geniusjournals.org/index.php/esh/article/view/5815>

© Oltayev Sh.S., 2025